

Сийрат дарслари (136-дарс)Иш ўз аҳлидан бошқага берилганда Қиёматни кутавер!



15:30 / 14.05.2021 6209

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Билал барний (навли) хурмо келтирди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Бу қаердан?»** дедилар. «Бизда сифатсиз хурмо бор эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тановул қилсинлар деб, унинг икки соъига бир соъ алмаштирдим», деди Билал. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бай-бай! Бу айни рибо. Бундай қилма! Агар хурмо сотиб олмоқчи бўлсанг, буни савдо қилиб сотгин-да, унинг пулига бошқасини сотиб ол»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

515. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир мажлисда қавмга гапираётган эдилар. У зотнинг олдиларига бир аъробий келиб: «Қиёмат қачон?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гапларида давом этавердилар. Қавмнинг баъзилари: «Унинг гапини эшитдилару, аммо ёқтирмадилар», деди. Бошқалари эса, «эшитмадилар», дейишди. У зот гапларини тугатиб бўлиб: «(Бояги) **қани?**» дедилар. Менимча, Қиёмат соати ҳақида сўровчи, (дедилар). «Мана, менман, Эй Аллоҳнинг Расули», деди. **«Омонат зое қилинганда Қиёматни кутавер»**, дедилар. «Унинг зое қилиниши қандай

бўлади?» деди. **«Иш ўз аҳлидан бошқага берилганда Қиёматни кутавер»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

516. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сенга ишонган одамга омонатни адо қил ва сенга хиёнат қилганга хиёнат қилма»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан